

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 16 октябрь, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 203 (11.264) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ва 14-15 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўзбек пахтага дунё харидор эканлигини яна бир бор исботлади. Зеро, ярмарка якуни бўйича 950 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди.
- Яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорига биноан миллий валютадаги банк карталаридан фойдалана бошладилар.
- «Ёш экожурналист мактаби» таълим дастури доирасида Тошкент вилоятида Экомактаб экология-ресурс маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг қўллаб-қувватлаши остида Медиа тур тадбири ташкил этилди. Унда журналистлар, ёш мухбирлар, шунингдек, Ўзбекистон ёш экологлар тармоғининг фаол аъзолари қатнашди.
- Мамлакатимизда «Super itax» фирмаси EVO савдо белгиси остида симсиз Интернетга уланишни жорий эта бошлади.
- Навоий вилояти Конимех туманидаги қоракўччиликка ихтисослашган «Маданият» ширкат ҳужалиги ҳудудида 240 ўқувчига мўлжалланган 18-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни «Сардорбек» МЧЖ қурувчилари бунёд этишди. Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурига мувофиқ қад ростлаган янги ўқув корпусида болаларга замон талаблари асосида таълим бериш учун барча шарт-шароитлар яратилган.
- Фарғона вилоятининг Кува туманида жорий йил бошидан буён 300 та кичик ва хусусий корхоналар фаолият бошлади. Натигада кўзда тутилган 900 та ўрнига 1330 та иш ўринлари ташкил этилди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 15 ОКТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛЛИГИ, ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ, ИСРОИЛ ДАВЛАТИ ВА БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВКУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН — АБДУЛ АЗИЗ БИН ХАРУН, МУҲАММАД КЕШОВАРЗОДА, ХИЛЕЛЬ НЬОМАН ВА ИГОРЬ СОКОЛ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли ҳамкорларидан. Икки мамлакат ўртасида бир неча бор олий даражадаги ташрифлар уюштирилди ва ўзаро муносабатларнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Ўзбекистон ва Малайзия халқаро майдонда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг қўллаб-қувватлаб ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва ақил.

Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ҳусусида Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда Малайзияга давлат ташрифи чоғида ўндан зиёд ҳужжат имзоланганини таъкидлаш жоиз. Ахборот технологиялари, электротехника саноати, маънавий электроника, мебола соҳаси, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма корхоналар тузишни назарда тутувчи ушбу ҳужжатларнинг умумий молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошди.

Абдул Азиз Бин Харун Ўзбекистон ва Малайзиянинг ўхшаш жиҳатлари кўп эканини, мамлакатларимиз Ислам конференцияси ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилишни таъкидлади. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, айниқса, иқтисодий шериклик алоқлари ва гуманитар ҳамкорлики кенгайтиришни ўз миссиясининг асосий мақсади деб белгиланганини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида икки томонлама муносабатлар тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, терроризм ва наркотиқсизликка қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникацияларидир. Икки мамлакат бир-бирининг ҳудуди орқали йилга умумий ҳисобда бир миллион тоннадан ортиқ юк ташийди.

Ушбу соҳада кўп томонлама ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда Техронга сафари асносида Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ўртасида трансферт транспорт йўлагини қуришни назарда тутувчи Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битим имзоланди. Термиздан бошланадиган бу йўл Мозори-Шариф ва Хирот шаҳарларидан ўтиб, Эронга туташади.

Муҳаммад Кешоварзода Ўзбекистонда фаолият кўрсатишни ўзи учун шараф деб билишни, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг истиқболли порлоқ эканини таъкидлади.

Исроил элчиси билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз қўллаб-қувватлаб ҳамкорлик ҳамкорлик қилиб келаётгани, айна пайтда ишга солинмаган талай имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Тошкентга 1999 йили келган эдим, — деди Хилель Ньоман. — Утган вақт мобайнида пойтахтнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Айнан Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганимдан гоят мамнунман. Ўз фаолиятим давомида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни мақсад қилганман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон-Исроил иқтисодий муносабатларида сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Исроилнинг Ўзбекистон тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳасига киритган сармояси 400 миллион АҚШ долларига яқиндир. Юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эликдан зиёд Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь икки томонлама муносабатларини ҳам, МДХ, ЕвРАЭС, ОДКБ доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини ҳам кенгайтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик фаоллашмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми 2008 йилнинг 8 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 60 фоиз ортди. 2007 йили Тошкентда Беларусь Республикасининг иккинчи миллий кўргазмаси ташкил этилди. Унда Беларусьдаги қатор корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилди, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ўзаро манфаатли мулоқотлар бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёда алоҳида ўрин тутувчи давлатдир, — деди Игорь Сокол. — Беларусьда энергетика, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати каби соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қизиқиш катта. Беларусь вакиллари Ўзбекистон пахта ярмаркасида мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқдалар. Спорт, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш имконияти катта. Ўз фаолиятим давомида мазкур соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирганман.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН САМАРАЛИ ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ШАРАФЛИ БУРЧГА, ТОМ МАЪНОДА ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. ЁШЛАР ВАТАН ОЛДИДАГИ ЎЗ ЙИГИТЛИК БУРЧЛАРИНИ ЎТАШЛАРИ ЧОҒИДА ЗАМОНАВИЙ ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ ЮРТИМИЗ САРҲАДЛАРИНИ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАШ БИЛАН БИРГА ИРОДАЛАРИ ҲАМ МУСТАҚАМЛАНМОҚДА.

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Президентимизнинг жорий йил 27 августда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига асосан Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йигин пунктда ўтказилган муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида иштирок этганимизда дилчимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.



Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, Ватан хизматига отланган ўғлонларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этган тадбирини очар экан Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи полковник Рашид Арамов тест синавларидан ўтиб энг яхши натижаларга эришган, жисмонан чиниққан, маънавияти юқори йигитларнинг сараланиб Қуролли Кучларимиз сафларига жўнатилаётгани келажакда ўз самарасини беришини таъкидлади. Бу эса ўз навбатида профессионал армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотларнинг муваффақиятини таъминлашини қайд

Ватан химояси — муқаддас бурч



ишонман, — дейди Алишер Фафуров. — Хизматни ўтаб қайтганидан сўнг лавозим олий ўқув юртига қабул қилиш борасида яратилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда институтга кирмоқчиман.

Чақирилувчининг онаси Матлуба Сайфиева эса кўзида дил сўзларини куйидагича изхор этди: — Катта ўғлим Нодирбекни ўз йигитлик бурчини ўташ учун армиямиз сафларига жўнатишман. Уни қолган уч ўғлим ва бир қизимга ўрнатиб қўйиб даражада тарбиялашга ҳаракат қилдик. Ўғлимиз спортга қизиқди, кикбоксинг билан шугулланиди, сузиш бўйича шаҳар чемпиони бўлган. Ўғлимнинг Қуролли Кучлар сафларига намунали хизматни ўтаб ёруғ юз билан қайтишига ишонман. Хизматдан келиб эса Тошкент кимё-технология институтига кириш ниятида...

Ҳа, алл қоматли, Ватан олдидаги ўз муқаддас бурчининг астойдил ўташга интилаётган мард ўғлонларни қўриб, юртимиз оқолишталлиги ишончли қўлларда эканлигиндан кўнглимиз кўтарилди. Ой бориб, омон қайтинг, азиз ўғлонлар!

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктда бўлиб ўтган кузатув маросимидан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 15 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА АВСТРИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА КООПЕРАЦИОН БИРЖА БОШЛАНДИ.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Узин-финвест» ахборот таъминоти ва хорижий сармояларга ёрдам кўрсатиш агентлиги ҳамда Австрия Федерал иқтисодий палатаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга бағишланган ушбу анжуманда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, нефть-газ, энергетика, автомобиль соҳаси, авиасозлик, фан-таълим, тўқимачилик ва энгил саноат, фармацевтика, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда сайёҳлик каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этмоқда.

Австрия Федерал иқтисодий палатаси вице-президенти Рихард Шенцга ҳамроҳ бўлиб келган ишбилармонлар делегацияси сафида эса «BSH International» (вентиляция ва ёнғиндан химоя қилувчи технологиялар), «Emco Maier Gesellschaft» (металлни қайта ишлаш технологиялари), «Agrana Beteiligungs» (озик-овқат саноати), «Jet Alliance Holding» (консалтинг хизмати), «Tiroler Roehren-UND Metallwerke» (кувурлар ишлаб чиқариш), «SY-LAB Gerate» (пардозандоз ва фармацевтика маҳсулотлари) каби ўттизга яқин етакчи компания раҳбарлари бор.

Ҳамкорликнинг соҳалари кўп — чинни ва биллур буюмлар, кабель ва ўтказгичлар, металл конструкциялар, қурилиш материаллари, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ёритиш, алоқа, хавфсизлик, жумладан, ёнғин хавфсизлиги тизимлари, мебола соҳаси, машинасозлик, тўқимачилик, қадоклаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати, савдо воситачилиги ва маркетинг-консалтинг хизматлари шулар жумласидандир.

Айни пайтда Ўзбекистонда австриялик сармоядорлар иштирокида тузилган йигирмадан кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда Австриянинг ўн уч компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар фармацевтика, қурилиш, пойабзал ишлаб чиқариш, матбаачилик, тўқимачилик саноати каби соҳаларда иш юритида.

Кооперацион биржа давомида Ўзбекистон ва Австрия ишбилармонлари икки мамлакат имкониятлари билан танишиб, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

— Компаниямиз лойиҳаларни молиялаштириши билан шугулланамиз, — деди «Superfund» сармоявий компания раҳбарчи Маркус Вайль. — Юртимизда ишбилармонларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун барча зарур имкониятлар яратилганидан хабаримиз бор. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан икки томон учун ҳам манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Айни пайтда Ўзбекистонда австриялик сармоядорлар иштирокида тузилган йигирмадан кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда Австриянинг ўн уч компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар фармацевтика, қурилиш, пойабзал ишлаб чиқариш, матбаачилик, тўқимачилик саноати каби соҳаларда иш юритида.

Кооперацион биржа давомида Ўзбекистон ва Австрия ишбилармонлари икки мамлакат имкониятлари билан танишиб, ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири

ЖАҲОНДА

● Озарбойжон Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра дастлабки ҳисоб-китобларга мувофиқ 89,04 фоиз овоз тўплаб рақиблилардан ўзиб кетган Илҳом Алиев мамлакатда ўтказилган Президентлик сайловларида галаба қозонган.

● Кеца Брюсселда Европа Иттифоқи аъзо 27 мамлакат раҳбарлари иштирокида ушбу ташкилотнинг саммити бошланди. Унда жаҳон мамлакатларида ҳукм сураётган глобал молиявий инқироздан чиқишини йўллари муҳокама қилинмоқда.

● Сурия билан Ливан ўртасида мазкур мамлакатлар мустақилликка эришганидан кейин 60 йил ўтган дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Сурия Ташқи ишлар вазири Валид Муаллим ва унинг ливанлик ҳамкасби Фаузи Саллух шу тўғрисида қўшма баёнотга имзо қечдилар. Унда айтилишича, мамлакатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар 2008 йил 15 октябрдан йўлга қўйилган.

● Халқаро валюта фонди ушбу мамлакат маъмуриятининг илтимосига кўра юзага келган мураккаб иқтисодий вазият муносабати билан Украинага ёрдам кўрсатиш юзасидан вазиятни ўрганиш учун мутахассислар жамоасини юборди.

● Россия ва Сурия Алеппо шаҳридан Туркия чегараси бўйлаб ўтадиган газ ўтказгичининг қурилиши бўйича шартнома имзоландилар. Ушбу магистрал Agab Gas Pipeline минтақавий қувур ўтказгичининг давоми бўлиб, у орқали зангори олов Мисрдаги Эл-Авиш конидан қўшни мамлакатларга етказиб берилади. Айтиш керакки, Россиянинг газ соҳаси мутахассислари Яқин Шарқ учун жуда муҳим бўлган мазкур хўжалик лойиҳасида 2006 йилдан буён иштирок этмоқдалар.

● Бугун Эрон ҳарбий ҳаво кучларининг кенг қўламдаги ўқув машқ йиғинлари бошланди.

● Франция парламенти мамлакат банкларига 360 миллиард евролик қўмак кўрсатиш тўғрисидаги ҳукумат дастурини маъқуллади.

● Россия Африка мамлакатларининг қарзларидан кечиш борасида етакчи давлатлардан бирига айланди.


● 2008 йил якунлари бўйича адабиёт соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бири — Букер мукофоти «Оқ йўлбар» романи учун 33 ёшли хинд ёзувчиси Аравинд Адигега насиб этди. Адигега 50 минг фунт стерлинг миқдоридagi мукофот пули топширилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

(ЎЗА)



Кўргазмалар «TEXTILE EXPO UZBEKISTAN — 2008»



«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА УЧ КҲН ДАВОМИДА НАВБАТДАГИ АНЪАНАВИЙ ЙИРИК ТАДБИР — «ТЎКИМАЧИЛИК ВА МОДА — TEXTILE EXPO UZBEKISTAN — 2008» 5-МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШ ЮРАТДИ.

Мазкур лойиха ташаббускорлари — UFI аъзоси ҳисобланувчи ITE Uzbekistan ҳамда унинг шериги ITE Exhibitions Conferences Ltd (Буюк Британия) халқаро компанияларидир.

лари тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг амалдаги барча турларини қамраб олганлиги билан эътиборли.

гаяётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг таҳлилий ҳисоб-китобларига кўра 2009 йилга бориб корхоналарнинг махсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми сезиларли қўпаяди.

Юртимизда мустақиллик шарофати билан иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишлардан бирига айланди. Айниқса кейинги йиллардаги мамлакатимиздаги иқтисодий вазият, сиёсий барқарорлик, республикамизнинг пахта етиштиришдаги юксак салоҳияти малакали мутахассислар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар, ҳуқуқий ғимоя сабабли чет эллик ишбилармонларга мазкур тармоқ эътиборга молик жозибадор бўлмоқда.

Бундан ташқари, мўйина, чарм ва улардан тайёрланган махсулотлар трикотаж, бош кийимлар, кўплаб либослар ҳамда энгил саноат учун турли хом ашёни жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги 30 тадан ортиқ компания намоиш қилмоқда.

МДХ мамлакатлари орасида экспонентлар сони бўйича Беларус Республикаси етакчилик қилмоқда.

Бу галги кўргазма ўтган йиллардагидан анча фарқ қилиб Европа ҳамда МДХ давлатларида ташкил этиладиган тўқимачилик ва мода кўргазмалари турқумига кирди ва жаҳонда машҳур лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз томонидан хорижий сармоядорларга яратилаётган қўлай шарт-шароитларга қўшимчада бу каби корхоналарнинг йилдан йилга сафи кен-

Шунингдек, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Савдо ва инвестицияларга кўмаклашиш бўлими ташкил этган экспозиция олис хориж компаниялари орасида алоҳида ажралиб турибди.

Кўргазма давомида юртимиздаги ҳамда хориждан ташриф буюрган компания ва фирмалар ўртасида кўплаб ўзаро манфаатли битим ва шартнома-лар имзоланмоқда.

МУРАТГАБ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Ҳакимжон Солихов олган суратлар

ТОШКЕНТДА 14-15 ОКТЯБРЬ КҲНЛАРИ БЎЛИБ ЎТГАН IV ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИДА ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАРИДАН УЧ ЮЗДАН ЗИЁД ЙИРИК ФИРМА ВА КОМПАНИЯ ҲАМДА ТЎКИМАЧИЛИК КОРХОНАСИДАН ТЎРТ ЮЗ ЭЛЛИКДАН ОРТИҚ ВАКИЛ ИШТИРОК ЭТДИ. ЎЗА МУҲБИРЛАРИ УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИ.

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ СИФАТИ ВА НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

Золтан ХАЛАЗ, «Commerzbank» компанияси вакили (Германия): — Пахтачиликда муҳим воқеа сойланган ушбу ярмаркада иштирок этаётганимдан ҳаят мамнунман.

Мазкур ярмарка Ўзбекистон пахта толасини тўғридан-тўғри ва бевосита сотиб олиш учун жуда қўлай имкониятдир. Энг муҳими, ярмаркада турли навлардаги ўзбек пахтадан ўзимиз учун зарур бўлганлари танила олиш имконига эга бўлдик.

Муҳаммадуллох АБДУЛАЗИЗ, «Nafisa Textiles» ҳамда «Aziz Farid» компаниялари бош директорлари (Афғонистон):

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келамиз. Компанияларимиз тўқимачиликка иқтисослашган — сифатли пахта толасига эҳтиёжимиз катта. Ҳар йили ўн минг тоннагача ўзбек пахтасини харид қиламиз.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этаётган хорижий тадбиркорлар кўпаяётгани юртимизда етиштирилмаган пахтага талаб ошиб бораётганидан далолатдир.

Бажа ЛАВ, «Bajaj Steel Industries» компанияси менежери (Ҳиндистон):

— Ҳиндистонда Ўзбекистон пахта бозорига катта қизиқиш билан қараилади. Ҳар гал ушбу ярмаркага келганимизда, юртимизда пахтачилик жадал ривожланиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар узининг юксак самараларини бераётганининг гувоҳи бўламиз.

Жаҳон бозорига талаб тобора ошаётган Ўзбекистон пахтасининг юксак сифати юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бераётган самараларнинг ёрқин намунаси. Ўзбек пахтаси Ҳиндистон саноати талабларига тўла жавоб беради.

Юн Соқ КИМ, «Shindong Enercom» компанияси раҳбари (Корея Республикаси):

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ҳар йили кўплаб мамлакатлардан йирик пахта истеъмолчилари, харидорлар йиғилади. Бу ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридagi мавқеи ортиб бораётганидан далолатдир.

Биз Ўзбекистонлик шерикларимиз билан анча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбекистондаги «Сифат» маркази пахта толасини экспертиза қилишда катта тажрибага эга эканини алоҳида кайд этишни истардим.

Ўзбекистон пахтасига қизиқиш ва эҳтиёжимиз йил сайин ошиб бормоқда. 2007 йилда қирқ беш минг тоннага яқин пахта толаси сотиб олган эдик. Жорий йилда кун бундан кам бўлмайд.

Мохобод Мухаммад АМИРИЙ, «Doctor Ameri Group» ва «Mahabad Riss» компаниялари директорлари (Эрон):

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида иккинчи бор иштирок этаймиз. Ўзбекистон билан жўғрофий жойлашуви жиҳатдан яқин бўлганимиздан хурсандимиз. Бу омиш иш жараёнида — ўзбек пахтасини импорт қилишимизда жуда кўл келди.

Мазкур ярмарка Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Анжуманда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашаётгани ўзбек пахтасининг шуҳрати ошаётганидан далолатдир.

Ярмаркага ўн олти минг тонна пахта толаси харид қилиш ниятида келдик.

Ўза муҳбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ НАРА ШАҲРИДА ТАҚДИМОТИ

Кансай ўлкасида, Япониянинг кўҳна пойтахти — Нара шаҳрида жойлашган Ипак йўли музейида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси тақдими — «Буюк Ипак йўли: узилмас ришта» мавзусидаги тўқимачилик саноати кўргазмаси йирик бадиий лойиҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Миллий санъат маркази ҳамда Япония ташқи ишлар вазирлигининг расмий кўмағида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси, Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Нара ва Осака шаҳарлари префектуралари маъмурияти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Лойиҳага Икю Хираяма маданий мероси жамғармаси, Като Кюдзо археология ассоциацияси, Япония шарқшунослик музейи, Ўзбекистоннинг Осака шаҳридаги фахрий консуллиги, Япония-Ўзбекистон иқтисодий кўмитаси томонидан техникавий кўмак берилди.

Кўргазманинг расмий очилиш маросимида Япониянинг таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, ишбилармон доира ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда меҳмонлар эътиборига Ўзбекистон тўқимачилик санъатининг қадимий ноб экиспонатлари, сўзаналар, «Буюк ипак йўли»нинг турли воҳаларига хос бўлган ипак, яримпак ва пахталик газлавларга ҳаво этилди. Аънавий яримпакдан тайёрланадиган намойиш кийимлари — геометрик шакллар туширилган адрас, беқасамлар, ипак газлама — шойидан тикилган кийимлардан намуналар ҳам намоиш этилди.

Кўргазма очилиши ва тақдимот доирасида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ва «Офарин» ракс дастаси ижросида концерт ташкил этилди.

Тадбирнинг расмий очилиш маросимида Нара префектураси губернатори Сего Арай сўзга чиқиб, ушбу лойиҳа тақдими келгусида Ўзбекистон ва Япония алоқаларини янада мустаҳкамлашга, хусусан, икки мамлакатнинг Кансай ўлкасидаги ўзаро ҳамкорлиги кўламини кенгайтиришга хизмат қилишини кайд этди.

Япония ташқи ишлар вазири Х. Накасонэ тадбир қатнашчиларига йўллаган табрик мактубида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Кунчиқар мамлакат»да турли маданий лойиҳалар тақдими томонидан ташкил этишдаги фаол роли ва саъй-харакатларини алоҳида кайд этди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Т. Никкайнинг қутлов мактубида Ўзбекистон ўзининг бой маданияти, тобора юксалиб бораётган иқтисоди ва саноат ишлаб чиқариши салоҳияти, шунингдек, ўзбек халқидаги японияликларга бўлган дўстона муносабат боис Япония учун Марказий Осиёдаги яқин бир мамлакатга айланган кайд этилади.

Тоё университетининг фахрий профессори Масаджуро Шокава ўз нутқида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси Япониянинг кўҳна шаҳарларида йирик маданий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий ҳамкорлиқни тарғиб этиш учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлади.

Япония Либерал-демократик партияси маъмурий ислохотлар кенгаши раиси Коки Чума ушбу лойиҳа Японияда ўз ваколатхонасига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона маданий муассасаси — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси шафётулигида амалга оширилгани шубҳасиз, ўзбек ва япон халқларининг маънавий яқинлигидан далолат эканини таъкидлади.

«Жаҳон» АА Нара шаҳри

СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНОМОЛИГИДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. СУДЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ТАРЗДА ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНМОҚДА.

Бунда 2000 йилда янги тахиридда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этиб, унда суднинг мустақиллигини таъминлаш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

ликка номзодларни қайта тайёрлашга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон адлия вазирининг ўринбосари С.Холбоев, Олий суд расисининг ўринбосари О.Исмоилов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жамият таъриқиети, фуқаролар манфаатига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Адлия вазирилик ҳузуридagi Юристлар малакасини ошириш марказида суд ходимларининг малакасини ошириш ва судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани бу борадаги ишларнинг самарадорлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА Ўза муҳбири

Номии қайд этилган қонун асосида судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва мuddатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридagi Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига ююлганга ушбу вазирининг самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда Юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридagi Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалиётга татбиқ этишда судьялар малакасини ошириш ҳамда судья-

Туманларда ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ВА БИЛИМЛИ, ҲУНАРЛИ, ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЗЕРО ЁШЛАР БИЗНИНГ ЭРТАМИЗ, СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗДИР.

ғломлаштириш, айниқса ёшларимизнинг турли диний оқимларга кириб кетишларининг олдини олиш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 6 мартдаги қарорини бажариш бўйича иш дастурлари ҳамда тадбирлар режалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни бажариш юзасидан ҳокимлик,

хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ЕИҲ ва бошқа бўлим ва бошқармалар ҳамкорлигида амалий ишлар олиб борилмоқда. Айтиш жоизки, Ёшлар йилида туманда оилалар мустаҳкамлиги таҳдид солаётган, вояга етмаган ёшлар ўртасида содир бўлаётган салбий ҳолатлар ўрганилиб, фуқаролар, айниқса ёшларнинг диний экстремизмик таърифи таърифига тушиб қолтирилган олдини олиш мақсадида маҳалларда, барча таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ИИБ, прокуратура ходимлари, имом-хатиблар ва отиноиларни жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, учрашу ва мулоқотлар ташкил этиб келинмоқда.

маҳалла фаоли мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятга тўғри баҳо бера олиши, диний ақидапарастликка мойиллиги оқибатида назоратга олинган шахслар, мутаассиб оқимларга қўйилган ва озодликдан маърум этилганларнинг оила аъзолари билан профилактик тушунириш ишларини олиб боришда ўзларининг салмоқли хиссаларини қўйишлари лозимдир. Ёшларимизнинг турли бузғунчи оқимлар таъсирига билиб-билмай берилиб қолишлари, уларнинг гоъялари га алданишларининг олдини олиш, адашган ёшларни тўғри йўлга солиш, она-Ватан, эл-юрт ва ота-она олдидаги муқаддас бурчаларини тўла хис этиб, фидоқорона меҳнат қилишларини йўлга қўйишда барча мутасадди ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар фаоллари эътибор қаратишлари зарур бўлган йўналишларни яна бир бор кўриб чиқсак фойдалан олиш бўлмайди.

Дарҳақиқат, туманда ижтимоий-маънавий муҳитни со-

Дилором ИКРОМОВА

2008 — Ёшлар йили

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

«2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умумий миллий дастурининг жорий этилиши, мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимини ривожлантириш борасидаги босқичма-босқич ислохотлар ўқув жараёнига ўзгача мазмун, янгича руҳ бағишламоқда.

Яқинда Учтепа туманидаги 123-мактабда бўлиб ўтган «Янги педагогик технологиялар ва янгица услублар» мавзуидаги тадбир ўқитувчиларнинг қўлай имкониятлари ва афзалликларига бағишланди. — Педагогик ҳаёtimизда кенг қўлдан келтирилган ноанъанавий интернет-фаол таълим усуллари ўқув жараёнининг янада қизиқарли, тушунарли, мазмунли ва мунозалари ўтишини таъминлайди, — дейди мактаб директори Саида Арипова. — Ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун мактабимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Компьютер, лингафон хоналари жохон андозалари талабларига жавоб берадиган тарзда жиҳозланган. Таърибли ўқитувчиларимиз дарсларни турли хил жараёнларда қизиқarli ва мазмунли тарзда олиб боради. Хар бир синф хоналари

кўргазмали куроллар билан таъминланган. Физика, химия фанлари учун махсус лаборатория хоналари мавжуд. Бу эса ёшларимизнинг янада илмли, зуқко ва таърибали бўлишларини таъминлайди. — Йигирма йилдан ошибдики, ёш авлод таълим-тарбияси билан машғулман, — дейди 9-«в» синф раҳбари Дилдора Нуриддинова. — Илгарилари мактаблар биноси ҳам, таълим жараёни ҳам бу қадар тараққий этмаган эди. Мустақиллигимиз боис шундай нурафшон кунларга етиб келдик. Бугунги кунда ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллийлигимизга, анъаналаримизга ҳурмат ва эътиром ҳисси билан қараш, таълим сифатини ошириш, ўқув режалари, фан дастурларини янада такомиллаштириш, таълим жараёнини мазмунан ва амалий жи-

хатдан бойитиш асосий вазифамизга айланган. Zero ёш авлод тарбиясида бундан муҳимроқ ишнинг ўзи йўқ. Шунингдек, тадбирда мактабда узоқ йиллар давомида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар билан бирга ёш мутахассислар ҳам ўзларининг ўқитиш услублари борасидаги таърибалари билан ўртоқлашди. Жумладан, тадбирда мактабдаги кўлга киритилган ютақлар билан бирга таълим жараёнидаги базис бир камчиликлар муҳокама қилинди. Ўқитувчилар зиммасидаги бурч ва масъулият яна бир бор эслатиб ўтилди. Махалла, мактаб ва оила концепцияси асосида олиб борилаётган ишлар самараси хақида сўз борди. Ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, миллий анъана ва қад-



риятларимизга ҳурмат ва эътиром билан қарашга ўргатиш, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик чораларини кўриш, тибвандик, кашандалик каби зарарли одатлар қурбони бўлмаслик қайта-қайта таъкидланди. Тадбир доирасида юқори синф ўқувчилари чизган «Меннинг Ватаним», «Табиати асранг», «Хазонларни ёқманг», «Келажақ бундан бошланади», «Саломатлик кони бойлик», «Табиатнинг инъоми», «Онажоним» мавзулари бўйича рас-

млар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Дарҳақиқат, ёш авлодга таълим бериш, уларнинг онг ва тафаккурини янада бойитиш, ўқишга, меҳнатга, изланиш ва интилишга ўргатиш ва ундаш ўқитувчиларимизнинг асосий вазифасига қиради. Мазкур тадбирнинг асосий мақсади ҳам ана шу йўналишларга пухта ёндашиш масалаларига қаратилди. Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: 123-мактаб ҳаётидан лавҳа

ПОЙТАХТИМИЗДА СОҒЛОМ ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ТАРБИЯ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШLANGAN ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ИЖТИМОЙ ТАШАБУСЛАРНИ ҚўЛЛАБ-қУВВАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРALAR, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, Япония, Франция, Австрия, Исроил каби мамлакатлардан мутахассислар иштирок этди.

ОНА ВА БОЛА МАНФААТЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси Б.Умархонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади. Ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда қабул қилинган дастурлар, ҳуқуқий-меъърий ҳужжатлар бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда миллият генофондини янада соғломлаштириш, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оила қуриш арасидаги ёшларни шифокор кўригидан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда йод танқислигининг олдини олиш, урни темир моддаси билан бойитиш, хотин-қизлар, айниқса, она бўлиш арасидаги аёлларда камқонлик хасталигини бартараф этишга оид турли дастурлар, ижтимоий лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда. Бундай чора-тадбирлар самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида она ва бола скрининги, репродуктив саломатлик марказлари, оилавий поликлиникалар барпо этилиб, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим масканларида соғлиқни сақлаш бўйича ўн олти соатлик ўқув дастури жорий этилган. Айни пайтда шифокорлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси соғлом фарзанднинг дунёга келиши, она ва бола саломатлигини таъминлаш, хасталикларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. Оналик ва болаликни ҳимоялашга жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бир қатор лойиҳаларни амалга ошираётгани бунинг далилидир. Жумладан, «Соғлом она — соғлом фарзанд» лойиҳаси доирасида ўсимир қизлар, аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малакали мутахассислар, шифокорлар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган туркум семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказилмоқда. Гигиена ва орасталик, фарзанд парваришига бағишланган кўплаб тиббий-маърифий рисоалар, нашрлар, буклетлар чоп этилмоқда. — Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, соғлом зурриёдиннинг дунёга келиши, она ва бола саломатлигини ҳимоялаш масалалари давлат эътиборида эканлиги таъсирли лойиҳадир, — дейди Австрия Соғлиқни сақлаш миллий кенгаши президенти Эрнст Велнер. — Бу борадаги ишларнинг барчаси қучли ижтимоий ҳимояга йўналтирилган, бунда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Юртингиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласи устувор ўрин тутади. Бу эса аҳолининг асосий қисми ёшлардан иборат Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Конференция ишида оила, оналик ва болаликни муҳофафзалашда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги изчил ҳамкорлиكنи йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, бу борада жохон амалиётидаги таъриба хусусида маърузалар тингланган ва муҳокама этилди.

Назкоат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ИЛМИЙ-ТЕХНИК КОНФЕРЕНЦИЯ

ТОШКЕНДА «АНЪАНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ NGN ТАРМОҚЛАРИГА ЎТИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ: ЎТИШНИНГ МУАММО ВА МОДЕЛЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИК КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти томонидан ташкил этилди. Унда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик, Халқаро телекоммуникация иттифоқи аъзолари, мамлакатимиз ва хориждаги алоқа ҳамда ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг вакиллари, телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчилар, Ўзбекистон бозоринда фаолият кўрсатаётган телекоммуникация хизматлари оператор ҳамда провайдерлари иштирок этмоқда. Анжуманда NGN технологияси бўйича норматив база ишлаб чиқувчилар, телекоммуникация оператор ва провайдерлари, шунингдек, телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчилар NGN тармоғига ўтишнинг мақбул моделларини топиш, олинган

натижаларни тўллаш ва уларга ишлов бериш, мазкур технологияни жорий этишда фойдаланиш бўйича таъриба алмашади. NGN технологияси иктисодий устуворликларга эга. Унинг жорий этилиши телефон тармоғи, шунингдек, ягона мультисервис тармоғи орқали маълумотлар узатиш тармоғи хизматлари кўрсатишни кўзда тутди. NGN – Next Generation Network – Келаси авлод тармоғи сифати қафолатланган чексиз телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчининг глобал мобилингини таъминлайдиган кенг полсали пакетли тармоқ асосида қурилган. Бошқача айтганда, бу махаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасининг кенг турдаги қўшимча хизматлар – видеотелефон, видеоконференция, Интернетдан тезкор фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, жумладан, рақамли каналларни ижа-

рага олиш, IP-телевидение, мультисервисли корпоратив тармоқ, IP-телефония, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, масофадан туриб ўқиш, комплекс телематик тизимларни ўз ичига олувчи хизматлардир. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Муҳиддинов Ўзбекистонда анъанавий телекоммуникациялардан NGN тармоғига ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Хусусан, замонавий транспорт инфратузилмаси ташкил этилган, тармоқларни рақамлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда, абонентлар фойдаланадиган тармоқ реконструкция ва модернизация қилинмоқда, NGN функцияларини қўллаб-қувватлайдиган ускуналар ўрнатилмоқда. В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

узун столнинг пойгагида ўтирган ўн чоғли киши ўрнидан туриб, нозик меҳмонга йўл бўшатди. Бир акамиз хижоа қилди. — Бадавлат хонадон соҳибининг тузилган кўнига тақлиф қилинди. Айтилган жойга бормаслик ноқулай. Айниқса тузилган кўнга бормасанг, соғва-саломдан қочибди-да, деган гап бўлади. Шунинг учун чор-ночор боришга мажбур бўлдим. Хонадоннинг баобўрлигини йўлаб қарз-хавола қилиб бўлса-да, каттагина соғва олдим. Бисотимдаги охори тўқилмаган кийимларини кийдим. Йўлга чиққач, бирдан хаёлимга бир шумлиқ қилиш фикри келиб қолди. «Нексия»дан саватлироқ машинани тўхтаганим, хайдовчига бориладиган манзилни айтдим. Уч минг сўмга келишимди. Худди хўжайинлардек машинанинг орқа ўринди-га чиқиб ўтирдим. «Ука, — дедим хайдовчиға. — Мана бу уч минг сўм йўл ҳақинг. Шунга қўшимча мана бу беш минг сўмни ҳам ол». Хайдовчи хайрон бўлиб менга юзланди. — Бир иш қиласан. Мен туғилган кўнга кетялман. Эшик тагида худди ҳасасақалар йиғилиб турган жойга бориб машинани тўхтагасан. Дарҳол қабинадан тушиб, чаққон мен томондаги ашиқни очиб, «тушинг хўжайин» деб мени туширасан. Олган соғвами қўлимга тўтқайиб, яна машинага ўтириб озорқ юрасан-да, бир нарсани эслаб қолгандек тез орақсиз юргазиб менга: «Хўжайин, сизни олиб кетгани қачон келай?» дейсан. Мен «Кетавер, тиркичилигингни қўл, кечки пайт ўзим бораман» дейман. Раҳмат айтиб жўнаб кетасан. Шу билан «изматинг битди» дедим. Хайдовчи тақлифимга жон-жон деб қўниб, мен берган ортиқча пулни чўнтағига урди. Бола анча пичини ёрганлардан экан. Мен айтгандан аяқ қилиб, «хизматини адо этди». Қарабсизки, манаман деган меҳмонлар пойгақда қолдиб, мен давра тўридан жой олиб ўтирибман. Ҳаммаси яҳи бўлдию, менга бўлаётган мулозаматнинг ортиқчилигидан хаддидан ошиб кетибман шекилли, даврада бир мансабдор одам ҳақида гап борса, ўтирганларни янада лол қолдириш учун: «У киши менинг тоғам бўладилар» деб юборибман. Бир вақт денг хонадон эгалари башанг кийинган саватлироқ кишини тавозе билан биз ўтирган залга бошлаб киришди. Меҳмон ҳурмати учун ҳамма ўрнидан турди. Қўл қўлашиб киришди, уни кўрада-қўймай давра турга, «менинг ёнимга ўтказишди». Салом-алиқ тугаб, «олинг, олинг» бошлангач, бу томонда ўтирган кишидан нозик меҳмоннинг қимлигини аста сўрадим. У менга хайрон бўлиб тикилиб турди-да, кейин «Ахир бу киши ҳозиргина сиз айтган тоғангиз бўладиларку, наҳот танимаётган бўлсангиз» деб қолди.

бунисими, ёки ёнидагисими? — Қай бири эканлигини ўзим ҳам билмайман. Ишқилиб чап томондаги тишларимдан бири оғрипти-да. — Ие, сиз билмасангиз, мен қайдан билай. Боринг, рентген қилдириб келинг. Рентгенолог берган плёнкани шифокорга келтириб бердик. — Ҳа, яшанг, қани ўтиринчи У плёнкага туширилган тиш нуқталарини қузатди. Кейин менга юзланди: Оғзингизни каттароқ очинг. Шифокорим қўлидаги омбир билан чап томондаги тишларини бирма-бир уриб қўрди. — Ҳа, мана буниси шекилли. Ҳозир олиб ташлаймиз. Оғриқдан бутунлай форир бўласиз. Кейин ўша томонга игна санчики дори юборди. Яна бир нималар қилди. Мен тезроқ оғриқ азобидан қутула қолсам, деб унинг хар бир амрига бўйсунмай ўтирдим. Ниҳоят, омбирини оғзимга тикиб оғохлантирди. — Бир зум қумирламай ўтирасиз. Ана, ана... Бирдан куч билан у жағ тишини бураб юқориға тортиди. Қаттиқ оғриқ арабаш бир нарса кирс этгандек бўлди. — Ана қутулдиз, — дея у қўлидаги омбирда турган оғриқ тишини менга кўрсатди. Зур-базур унга қарадимю, юрагим шиг этиб кетди. Тишининг ярми йўқ эди. — Эй, аттанг, — деди шифокорим ҳам омбирда турган тишга разм солиб, — кўрдингизми, тиш чириб кетган-да. Шунинг учун ярми сичиб қилди. Яна бироз чидайсиз. Қолганини ҳам амаллаб олиб ташлаймиз. У айтганини қилди. Сичиқ тишни ҳам амал-тақад қилиб сугурди. Унинг қўлидан омон-эсон чиққанимга шукр қилиб йўга жўнадим. Бирок, оравдан икки кун ўтдики, оғриқ босилмади. Шу тоғда қариндошларимиздан бири ўйимизга келиб қолди. У бир вақтлар тиш шифокори эди. Кейин турмуш тақозоси билан бошқа ишга ўтиб кетганди. Қариндошимиз хрлимни кўриб дарҳол сездим шекилли, «тишинг оғрияптими» деб сўраб қолди. Бор гапни айтдим. Кейин у тишмини кўриб, қайси шифокорга учрашганлигини сўради. Охирида «Оғриқ тиш бу ёқда қолдиб, бутунини олиб ташлабди-ку», деган гапни айтди. У кўярда-қўймай, уйига олиб кетди. Асбоб-ускуналари жойида экан бир зумда оғриқ тишинини олиб ташлади. Шундан кейин тиш оғриядан қутулдим. Бу гапни айтишимдан мақсад, ишқилиб сизнинг тишингиз оғриб безовта қўлмасин. Бордию оғриса айтинг-айтинг, қўли енгил шифокорга учрашш сизга насиб этсин.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШLANДИ

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИДА ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ, СТАНДАРТЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШLANGAN ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. Унда ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ҚўМИТА ВА КОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ, МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ. Халқаро стандартлаштириш кўнига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан, сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро меъёрларни қўллаш асосида махсулотлар ва хизматлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунлари муҳим омил бўлмоқда. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги - «Ўзстандарт» бош директорининг ўринбосари Р.Хусанов мамлакатимизда жорий этилган меъёр ва талабларнинг халқаро андозаларга мослигини ва ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Жумладан, «Ўзстандарт»нинг миллий эталонлар маркази томонидан жорий йил бошидан бугён 35 қорхона, муассаса ва ташкилотга қарашли 150 комплект намунавий ўлчаш воситалари ана шундай меъёрларга қийёсланди. Ҳаловлар биригини таъминлаш мақсадида 760 лаборатория аттестациядан ўтказилди. Газ, сув ва электрон электр ҳисоблагичларни қийёслаш ишларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун худудий марказларга қўшимча техника воситалари етказиб берилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар қўламини ва самарадорлигини янада ошириш зарурлиги қайд этилди. Жойларда олиб борилаётган назорат, текшириш ва мониторинг ишлари барча қорхона, муассаса ва ташкилотларда, айниқса, савдо ташкилотлари — бозорларда қўлланилаётган ўлчов асбоблари мавжуд қонунчиликка ва бошқа меъёрлий талабларга ҳамиша ҳам жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда. Илмий-амалий семинарда соҳада халқаро ҳамкорликини янада ривожлантириш, қорхоналарда сифатни бошқариш тизимини, инновацияларни жорий этиш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида стандартлаштириш ишларини янада такомиллаштириш, кадрларни, жумладан, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳада қўлланилаётган атамалар бир хиллиги ва аниқлигини таъминлашга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири

«ЕВРОПА СИФАТИ» СОВРИНДОРИ

ЕВРОПА БИЗНЕС-АССАМБЛЕЯ МИЛЛИЙ ҚўМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН «ЕВРОПА СИФАТИ» ХАЛҚАРО МУКОФОТИ ЭНГ ЯХШИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚОРХОНАЛАРИГА ТАҚДИМ ҚИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. БУндай НУФУЗЛИ МУКОФОТГА ТОШКЕНТДАГИ «УЗ БИЗНЕС ГРУПП» ҚўШМА ҚОРХОНАСИ ХАМ САВОБОР БўЛДИ. Қорхонада юқори сифатли сут махсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. «Симсим» ёрлиги билан чиқарилаётган мева шарбатлари учун «Исо-2000-2005» сифат сертификати берилди. Қорхонада «Диамона» деб номланган шарбатларнинг ўндан ортиқ тури ҳам тайёрланмоқда.

ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

ТЕМИР Йўлдаги МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ РЕСПУБЛИКА ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНИ «ЎЗТЕМИР ЙўЛМАШТАЪМИР» ШўЪБА ҚОРХОНАСИ МИСОЛИДА ХАМ КўРИШ МУМКИН. Телвозоларнинг 20 га яқин секцияси қайтадан тикланиб уларнинг фойдаланиш мuddати 8 йилга, 100 дан ортиқ ярим вагонларнинг ишлаш мuddати эса 11 йилга узайтирилди. Вагонлар учун тормоз колодкалари ишлаб чиқариш хажми анчага ортди. Айни вақтда дастурга киритилган ўнга яқин махсулотлар бўйича режалар ошириб бажарилди. Техника ижодкорлиги кенгайиб, кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрланиб, амалиётга жорий этилди.

ҚОРХОНАЛАР ОғИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИБ

«ЎЗКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ ЎЗ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЧЕТГА ХАМ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА. БУндай ЖАРАЁН АССОСАН СалОР ТЕМИРЙўЛ БЕКАТИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. Шунингдек, бекат хизматидан «Тошкент иккиламчикораметалл» очик акциядорлик жамияти ҳам кенг фойдаланмоқда. Миждошларга намуналий хизмат кўрсатиш, юк вагонларини ўз вақтида етказиб бериш ҳамда транспорт хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Юк тушириш ва ортиш ишлари эса автоматлаштирилди. Ақбар АЛИЕВ



Tashkent challenger — 2008

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЖРИБА КАТТА

ЯНГИ ЛОЙИХАЛАРНИНГ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ЭСА ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ, ДЕМАК, ТАЖРИБА БОБИДАГИ ПОЙДЕВОР ҲАМ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.

Аслида бу фикрни кўплаб меҳмонларимиз — айти пайтада «Tashkent challenger-2008» турнирига жам бўлган ўйинчилар ва соҳа мутахассислари билдираётдилар.

Пойтахтимизда илк марта ўтказилаётган бу мусобақанинг учинчи кўни мазмун жиҳатдан таассуротларга бой бўлди. Республикада турли халқаро мусобақалар доирасида ўтказилиши анана бўлиб қолган болалар кўни кеча «Tashkent challenger-2008»га мезбонлик қилаётган Республика Олимпия захиралари теннис мактаби қорларидан кенг дастур ила намойиш этилди.

— Тошкентга кўп марта келганман ва ҳар сафар мусобақалар давомиди бу ерда алоҳида бир муҳит — меҳмоннавозликнинг ҳукмронлиги мени хайратланганди, — дея таъкидлаб ўтди «Оқшом» газетасига берган интервьюсида Лу. — Бугун эса кайфиятим ўта чоғ. Болажонларимиз янгиликка интилиши, ота-оналари ёрдамисиз илк кийинчилик тўсиқларини мустақил енгиб ўтишга ҳаракат қилаётганлари, йиқилса ҳам, туртиниб-суртиниб, қайта-қайта ҳаракатга тушишлари менга ўзига хос қувват бағишлади, десам муболага бўлмайди... Спортга илк қадам айнан шундай дақиқалардан бошланади.

— Тайпейда бўлажак профессионал спортчилар қандай етиштирилади? Бу йўналишда махсус ўқув юрталари борми?

— Ассосан бизда клуб фаолияти яхши йўлга қўйилган. Спорт коллежи ҳам фао-

лият юритади. Аммо бу ерга мактабни тугатгандан сўнг ва албатта кўникмаларга эга ўсмирлар қабул қилинади. Турли спорт йўналишлари қаторида теннисчилар ҳам тайёрланади. Бироқ Ўзбекистондаги каби Республика олимпия захиралари теннис мактаби Осиё мамлакатларида мавжуд эмас. Бу ўз ишнинг усталарини тайёрлашда эмас, балки тарбиялашда энг кўлай имкониятдир. Маълум бўлишича, бу мактаб бевосита мамлакатингиз Президенти ташаббуси билан очилган. Болажонлар махсус тайёргарликдан ташқари, умумий таълимни ҳам шу ернинг ўзида оладилар. Очигини айтиш керак, жaxon мўлкисиди шароитини инобатга оладиган бўлсак, бу саъй-ҳаракат давлат учун катта ҳаражат билан боғлиқ. Шу боис таъкид билан шуни айтмоқчиманки, бу мамлакатингизда ёш авлодга кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин намунасидадир. Бундай таъриба, ўйламанки, бошқа давлатларда ҳам татбиқ этилса, фойдадан холи бўлмайди.

— Айти пайтада сиз дунёнинг кучли теннисчилари қаторидан ўрин эгаллаган биринчи Осиё ўйинчисисиз. Сизнингча, Осиё теннисини янада ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш лозим?

— Аввалида шуни кўшимча қилмоқчиманки, мен эркаклар орасида биринчи. Ўзбекистонлик Оқул Омонмуродова ҳам биринчи юзликдаги погонани эгаллаб келмоқда. Китъамиз теннисни ривожлантириш керак, бошқа давлатлар номидан гап юритишга ҳақим йўқ, деб ўйламан. Тайпейда эса юқори тоифали мусобақаларни кўпроқ ташкил этиш лозим. Бундан ташқари, мураббийлик фаолияти сифатини ошириш даркор. Қолаверса, ўсиб келаётган авлодга эътиборни кучайтириш, теннис тарғиб этиш ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, Ўзбекистонда «Мактаб теннис ташаббуси» лойиҳаси халқаро ва республика миқёсида ўтказилаётган турнирлар доирасида кенг ташкил этилади. Дарвоқе, Осиё теннис федерацияси томонидан ушбу йўналишдаги фаолият учун мамлакатин-

гиз олтин медал билан тақдирлангани кўпчиликка намуна бўлмоғи лозим. Мен ҳам юртимда имкон топилиши билан клубимиз доирасида шу каби тадбирларни уюштиришга ҳаракат қиламан. Шу мақсадларда ўзим тахсил олган мактабга ҳам тез-тез келиб тураман.

Осиё минтақасида Токио, Бангкок, Бангалор ва Бейжидга — тўртта АТР турнирлари бор ва ҳаммаси бир вақтингиз ўзиде ўтказилади. Бундай тақвимнинг айнасида осиллик теннисчиларга унчалик қўлай эмаслиги боис кўпроқ Европа мусобақаларида иштирок этишга мажбур бўлишди.

Осиёда биринчи ракамли теннисчи бўлиш, мен учун етарли эмас. Мақсадим — янада юқори погоналарни забт этиш. Умуман шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, осиллик теннисчилар янада яхши натижаларга эришиши, элликтик, юзталиқ ўринларни эгаллашлари мумкин. Бунинг учун фақат ўз устимизда ишлашимиз керак. Мана Денис Истомин қўсқа вақт ичида деярли юз поғона юқорига кўтарилди. Бунда, албатта, биринчи навбатда маҳаллий миқёсда спортга берилётган эътибор, спортчилар учун яратилаётган шароитлар катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатингиз, айтиш мумкинки, ўзининг АТР, ВТА, ХТФ доирасидаги турнирлар буйича тўлиқ мавсумий тақвимига эга. Қолаверса, Ўзбекистон Осиё теннис маркази ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу ерга Европа мамлакатларидан кўплаб спортчилар интилади. Бундай имкониятнинг мавжудлиги бир-биримиз билан куч синатиш, маҳоратимизни оширишимиз, таъриба алмашишимиз ва албатта рейтинг даражамизни кўтаришга муҳим омилдир...

Бугун Ен-Сун Лу иккинчи даврада ўйинни давом эттирди. Агарда у финалга чиқа олса, Тошкент челленжери туфайли дунёнинг биринчи элликтилиги погоналарининг бирини эгаллашга муваффақ бўлади. Ҳамюртимиз Денис Истомин шу натижага эришса, китъанинг иккинчи энг кучли теннисчисига айланади.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Футбол

КЕЧА ЯПОНИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ҲАЖОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ IV БОСҚИЧИДАГИ ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИ ЎТКАЗИЛДИ.

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҲАЖОН

Шуни таъкидлаш жоизки, аввалги учрашувларда рақибларига имкониятини бой бериб қўйган терма жамоамиз футболчиларидан муҳлислар фақат галаба кутишгани табиий. Чунки ҳамюртларимиз яна мағлубият аламини тотиб кўришса ҳажон чемпионати йўлнамасини кўлга киритишларидан умидни уза ҳам бўлаверар эди. Бунинг устига айрим сабабларга кўра Суноун, Иномовларнинг майдонга туша олмаганлиги бош мураббий Миржалол Қосимовга етарлича муаммо туғдиргани ҳам бор гап. Хуллас шу кўни терма жамоамиз шарафини Нестеров, Исмоилов, Алиқуллов, Ғофуров, Ҳасанов, Жепаров, Аҳмедов (Ҳайдаров), Маъдиев (Мезлиддинов), Денисов, Копадзе, Шақких (Ғейрих)лар ҳимоя қилишди.

Айтиш жоизки, футболчиларимиз биринчи бўлимни анча яхши, сермазун ўйин намойиш этган ҳолда бошлашди. Ҳатто Маъдиев — Копадзе, Шақких комбинацияси гол билан якунланди. Жамоадолшлари оширган тўпни Шақких мезбонлар дарвозасига аниқ жойлаб қўйди.


Аммо ана шу устунлики ҳамюртларимиз аста-секин мезбонларга топшириб қўйишди. Тўпни бир-бирига узатишдаги ноаниқликлар, ярим ҳимоя ва ҳужум чизигидаги узилишлар сабабли Шақкихни тўп билан таъминлашнинг имконияти бўлмади. Натижада японлар Тамаданнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни тенглаштириб олишди.

Иккинчи бўлим эса айтиш жоизки, майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Японлар томонидан уюштирилган ҳавфли ҳужумларнинг аксариятини Нестеров қайтаришга муваффақ бўлди ва беллашув қаҳрамонига айланди. Акс ҳолда ўйин майдон эгаларининг галабаси билан якунланиши ҳам мумкин эди.

Хуллас мурасасиз ўтган баҳс 1:1 ҳисобида якунланди.

Ушбу гуруҳдаги Австралия — Қатар терма жамоалари ўртасидаги учрашу майдон эгаларининг 4:0 ҳисобидаги галабаси билан якунланди.

(Ўз муҳбиримиз)



«Умид ниҳоллари»

БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЮГНАКИЙ» НОМЛИ СПОРТ МАЖМУАСИДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ» ҲАЖОНЛАРИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 3-4-СИНОФЛАР ҲАЖОНЧИЛАРИ ҲАЖОНЧИЛИК АТЛЕТИКА, МИНИ-ФУТБОЛ, ШАХМАТ, ШАШКА ВА «ҚУВНОҚ СТАРТЛАР» МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ҲАЖОНДИ.

Турнир баҳсларида 4,20,21-спорт мактаблари ҳамда махсус Олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари ўзaro баҳс юритишди. Таъкидлаш жоизки, болажонлар келгусида туман терма жамоаси таркибидан ўрин олиб, мусобақаларнинг шаҳар ва республика босқичларига йўлнамани кўлга киритиш мақсадида галаба учун астойдил кураш олиб боришди. Болажонларнинг қизиқарли спорт байрами кичик гимнастлар ва таъжвондорлар чизиқлари билан очилди.

Шуниси қувонарлики, ўқувчилар мусобақаларга катта қизиқиш билан ёндашишди, ўз мактаблари шаънини муносиб ҳимоя қилишга интилишди.

Спорт байрамнинг голиби ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ БОБО ТОҲИР ҲИКМАТЛАР

Баланд тоғ узра маънос ўлтирарман, Агар кўз очса лола, мен терарман. Агар шу лолаки, билмас вафони, Нечук бевафо ёр орзу қиларман?

На ҳар куйган кўнгли айлайди нола, На ҳар ёқимли юз монанди лола. Биларми куймаган куйганининг ҳолин? Оловдан ҳеч қачон ёққанми жола?

Тун таърифини бемордан сўраб бил.

Берар дўстлик дарахти кеч ҳосилни.

Сира мардликни этмас пеша номард, Сира чекмас фиғону нола бедард. Ҳақиқат сўзини айтар Фаридун: Шуъла сочмас агар тандир эса сард!

Чин ошиқ бу муҳаббат оташини Халойиқ ичра дoston этмағай ҳеч.

Кишида қанча кўпдир молу бойлик, Бўлар дунёга кўнгли шунча боғлик.

На хуш, гар икки дил бир дард-ла оғрир, Гар оғрир битта дил — ушбу дард оғрир. Агар Мажнуннинг кўнгли доғли бўлса, Лайлининг кўнгли ундан доғлироқдир.

Чикарса ҳар дарахт девораро бош, Узатар мевасига кўл қари-ёш. Агар мева эмас, берса-да гавҳар, Уни илдизидан кўпорғали шох...

Улуглайлик каримлар ҳимматини, Қилайлик рад лаимлар хизматини. Карам бирлан каримлар кўли доим Муруватга этар эш давлатини.

Бу дашт ичра бир инсон зору нолон, Экарди лола кўзидан тўкиб қон. «Бирор нафъ борми бу деҳқончиликдан? Ҳай, аттанг!» — деб бошин чайқарди ҳар он.

Чин ошиқ айламас фарқ жисму жонни, Жонондан жонни-ю, жоңдан жононни. Бўлиб ёр дарди бирлан ою йиллар, Ҳазиннинг дардида билмас дармонни.

Бировнинг ишқиде ўртанмаганга Эмас маълум ошиқ дил муддаоси.

Кўниб гул шохига булбул азонда Фигон айлаб дегай: гул бевафодир!

Азал ишқбозлигу ишқ одати шу: Висол бахти диловарлар учундир!

Фалақда бор на бир дўсту на бир жуфт, Мудом қон тўкса-да, демас сира уф. Унинг шевасию иши фақат шу: Каерда бир чирок кўрса, қилар пуф.

Ҳами ишқинг на ҳар муштоққа тушгай, Ҳумо акси на ҳар тупроққа тушгай. Сарафрозлар топар ишқинг аро ком — Кўёш шуъласи аввал тоққа тушгай.

Куюк дил қадрини билгай куюк дил.

Бу дунё ишларига ақлим ҳайрон, Сабаб излайвериб, дил бўлди вайрон: Шилиб ризқини кимларнинг фаровон, Берар миннат билан кимга суву нон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кун бўйи ҳазонларни тутатиб, табиатни захарлаётган неча ўнлаб инсонларнинг соғлиғига путур етказилган, кўплаб хаста беморлар дардини кўзгатаётган биродари азизлар, Сиз ёққан ҳазон тутуни қандай хасталик ва асоратларни бошлаб беришини биласизми? Билмасангиз биллиб олинг.

Ҳазонларни ёққанда ундан ажралиб чиқётган тутун ва ис гази аллергик хасталикка чалинган беморларда аввал респиратор аллергоз хасталигини зўрайтиради. Биринчи галда беморларда аллергик тумов хасталигини кучайтиради, бунда беморнинг бурни битиши, бурундан сув келиши, акса уриши, кўз кичиши ёшланаши, бурун бўшлиғида кичишиши, юқори танглай, томоқнинг кичиши, қулоқ ичкарисида кичишиши, бурун орқали нафас олишининг оғирлашуви рўй беради ва уни йўтал безовта қилади.

Кейинги босқичда ёки айрим ҳолларда тўғридан тўғри хатто мутоқ соғлом кишиларда ҳамда бронхиал астмаси бор беморларда нафас олиш йўлларининг «Дисстресс синдроми» — бошланади. Ушбу «Дисстресс синдроми» ҳазон тутунининг юқори концентрацияси таъсири остида пайдо

Ҳазонларни ёқманг

АЛЛЕРГИК ХАСТАЛИКЛАРНИ ҚЎЗҒАТАДИ

ЎЛКАМИЗДА ОЛТИН КУЗ ФАСЛИ ҲУКМ СУРМОҚДА. ДОВ-ДАРАХТЛАР ЯПРОҚЛАРИ ОЛТИН РАНГ ТУС ОЛГАН, МАЙИН ЭСГАН ШАБАДАДА ТОВЛАНИБ КИШИГА ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ. ОЛТИНДЕК ТОВЛАНИБ СИЗУ БИЗГА ЗАВҚ БЕРГАН ОЛТИН ЯПРОҚ БУТУН ЖОН ТАСЛИМ ҚИЛИБ ОЕГИНГИЗ ОСТИДА ҲАЗОНРЕЗИГА АЙЛАНМОҚДА. АНА ШУ ҲАЗОНЛАРНИ ЖОЙИДА ТЎПЛАБ ОЛИБ КЕТАЁТГАНЛАР ТАЛАЙГИНА. ЛЕКИН, ШУ ҲАЗОНЛАРНИ ТЎПЛАБ БОРЛИҚНИ ТУТУНГА БУРКАБ ЁҚАЁТГАНЛАР-ЧИ? УЛАР ТУТУННИНГ АТРОФ-МУҲИТГА, ИНСОНЛАР САЛОМАТЛИГИГА ҚАНЧАЛАР ЗАРАР КЕЛТИРАЁТГАНЛИГИНИ БИЛИШАРМИКАН?

Бўлади. Бунда беморларда астма хасталиғига хос клиник белгилар: жумладан кўкрак соҳасида оғрик, хириллаш, йўтал ва бўғилиш аломатлари пайдо бўлади. Бу симптомлар ўткир ҳолатда бирдан пайдо бўлиб, ҳазон тутуни таъсиридан сўнг бир ҳафтадан уч ҳафтагача қузатилади, баъзан эса ушбу клиник белгиларнинг кучли дори-дармонлар (хаттоки гормонал препаратлар) таъсирида ҳам бутунлай йўқолиб кетиши амри-маҳол бўлади. Юриб турган мутоқ соғлом инсон организмига ўз салбий таъсир кучини кўрсатган сабабчи омил — ҳазон тутуни инсон ўпка тўқималарининг жароҳатланишига ва бу ҳолат ўз навбатида ўпка шиши ва гипоксия ҳолатларининг келиб чиқишига охири-оқибат эса ўпка пневмосклероз

зига олиб келиши мумкин. Булардан ташқари ана ҳазон тутуни бронхиал астмаси бор беморлар ҳаётига ўта жиддий ҳавф солади. Аввало тутун таъсирида (бу ерда ҳазон тутуни қитқилоччи омил) астма хасталиги кўзғалиб кетади. Беморни кучли хуружсимон йўтал, томоқ кичиши, хириллаш, ҳаво етишмаслиги ва бўғилиш аломатлари безовта қилади. Бемор ҳатто бир қадам ҳам юра олмайди, бўғилиш кучайиб боради, уни муздек тер босади, лаблари, шиллиқ аъзолари кўқариб кетади, вақтида ёрдам кўрсатилмаса, бемор астма-тик статус ҳолатига тушади. Бемор тезлик билан тиббий ёрдамга мутож бўлади. Агар вақтида мутахассис томонидан тегишли тиббий ёрдам ололмаса, оқибати кўнглисизлик билан

якунланиши мумкин. Айтиш жоизки, ушбу долзарб муаммони ҳал этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Кўриниб турибдики, оддий бир ҳазон ёқиб шундай аянчли ва кўнглисиз оқибатларга олиб келар экан, бу нарсага ҳар биримиз панжа орасидан қарамасдан, жиддий ёндашсак, айтиш мумкин бўлар эди. Шундай экан, бир тўп ҳазон ёқиб инсон ҳаётига, саломатлигига зомин бўлмайлик, атроф-муҳитни захарламайлик. Сизу бизнинг ёққан ҳазонимиз тутунидан ҳеч бир инсон боласи ва мусаффо табиатимиз азият ва захмат чекмасин.

Озодбек НАЗАРОВ, профессор, Кутбиддин ИZZОМОВ, шифокор аллерголог

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

17 ОКТАБРЬ, ЖУМА

Ўзгалар таъсирига берилиш ёки ўзгалар тақлидчиликда маймунларга хос ҳаракатлар сезилади. Зеро, бугунги кун рамзи — Кўзгу, Маймундир. Мунажжимларнинг яна бугунги кун воқеалари нуқсонларимизнинг кўзгудаги аксини наёмён этади, дейишади. Аммо уларни жиддий қабул қилишининг ҳождати йўқ?

Бугун сиз ички бир туйғу билан ўз борлигингиз моҳиятини англашингиз мумкин. Фақат бунинг учун диққатлироқ

бўлиш талаб этилади. Кўрган-кечирганларингизни таҳлил этиб, хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинг. Бугунги кун қуввати инсонларни танбалликка мойил қилиб қўяди. Ташвишланмай, дам олинг, ўзингиз ва ҳаётингиз ҳақида мушоҳада юритишга интилинг.

Бугун ошқозон ва жигар айниқса касалликларга берилувчан бўлиши кузатилади. Овқатланишда жуда эҳтиёткор бўлганингиз, яхшиси, енгли парҳезга риоя этганингиз маъқул. Дори-дармонлар ичинчи имкон қадар қамайтиринг. Қонни ҳайдаш тизимини тозаловчи муолажалар, пластик операциялар ва косметик муолажалар муваффақиятли бўлиши қўтилади.

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 м²га тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биноларини ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г - 906

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ётлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3298 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Булок Тўра» кўчаси, 41-уй.